“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ
Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти якунлари бўйича

ҲИСОБОТИ

Ҳурматли акциядорлар!

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (ЎзРВБ) Кузатув кенгаши ўтган 2023 йил давомида ЎзРВБни акциядорлик жамияти сифатида бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажариш, шу жумладан, ЎзРВБ ривожланиш стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг ижроси бўйича маълум ишларни амалга оширди.

I. Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти

Ҳисобот йилида Кузатув кенгаши томонидан акциядорлик жамиятини бошқариш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни, шунингдек ЎзРВБни ривожлантириш стратегиясини бажариш бўйича чора-тадбирлар доирасида муайян ишлар амалга оширилди.

Кузатув кенгаши фаолияти ЎзРВБ фаолиятини ривожлантиришга, шу жумладан биржа инструментларини янада кенгайтиришга, ички ҳужжатларни такомиллаштиришга, шунингдек, ЎзРВБ Ижроия органининг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилишга қаратилди.

2023 йили ЎзРВБда биржа савдолари ҳажмининг ўсиши максимал даражага етди. Бунда, савдолар умумий ҳажми **999,52 трлн. сўмни** ташкил этиб, 2022 йилнинг мос кўрсаткичига (706,79 трлн. сўм) нисбатан **41,42 фоизга** ошди.

Ҳисобот йилида ЎзРВБ Кузатув Кенгашининг 22 та йиғилиши ўтказилган бўлиб, кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 82-сонли қарори ҳамда Марказий банк бошқарувининг 2023 йил 14 январдаги 1/5-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, ДҚҚ бўйича аукцион натижалари ҳисоб-китобларини Т+2 ҳисоб-китоб режимида ҳам амалга оширишни жорий қилиш, ЎзРВБда РЕПО битимлари бўйича савдо ва ҳисоб-клиринг жараёнларини автоматлаштириш, дефолт-менежмент механизмларини жорий қилиш, валютавий своп, валютавий фьючерс операциялари бўйича ҳисоб-китобларда “LIBOR” ставкаси ўрнига “SOFR” ставкасини қўллаш, валютавий фьючерс шартномаларини сотиб олиш ва сотишда тўланиши лозим бўлган бошланғич маржа ставкасини 5 фоиздан 2 фоизгача тушириш, ЎзРВБнинг аъзолигига инвестиция воситачиси сифатида қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият юритиш ҳуқуқини олган юридик шахсларни қабул қилиш ҳамда чет эллик номинал сақловчиларни ва чет эллик инвестиция воситачиларини ЎзРВБ аъзолигига қабул қилиш имкониятини яратиш мақсадида ЎзРВБнинг қуйидаги ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

- “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда давлат қимматли қоғозлари билан савдоларни ўтказиш қоидалари;

- “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари билан савдоларни ўтказиш қоидалари;

- “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш қоидалари;

- “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамиятига аъзолик тўғрисидаги низом;

- ЎзРВБда воситачилик мукофоти (йиғимлар)ни ундириш тартиби;

- “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда валютавий фьючерс шартномаси билан операцияларни амалга ошириш бўйича биржа савдолари қоидалари.

2. Биржа бозорларида, хусусан ДҚҚ бозоридаги савдолар ҳажмининг ижобий тенденциясини сақлаш, савдо иштирокчиларининг кўникмаларини шакллантириш, воситачилик мукофоти миқдорларини оптималлаштириш орқали савдолар ҳажми ошиши ва кўлами кенгайишини рағбатлантириш мақсадида 2023 йил 1 майдан 2023 йил 30 июнга қадар дилерлараро РЕПО операциялари бўйича воситачилик мукофотини ундирмаслик бўйича қарор қабул қилинди.

3. ЎзРВБ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, ходимларни самарали меҳнат қилишга рағбатлантириш ҳамда иш ҳақини адолатли ҳисоблаш, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ишга бўлган ташаббускорлигини ошириш ва уларни янада рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон республика валюта биржаси ходимларига иш ҳақи тўлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида”ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

4. 2022 йил учун ЎзРВБ корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун профессионал хизматларни тақдим этувчи мустақил ташкилотни белгилаш мақсадида танлов ўтказилди.

5. ЎзРВБнинг “A”, “B” ва “C” тоифалари бўйича аъзолигига тегишлича “Smart Bank”, “APEX BANK”, “HAYOT BANK” ва “YANGI BANK” акциядорлик жамиятлари ҳамда “Portfolio Investments”, “Leader Finance Capital”, “Premium Finance”, “Satori Capital”, “Toshkent Investitsiya Majmui” МЧЖлари қабул қилинди.

6. ЎзРВБ Ижроия органининг 2023 йил биринчи чораги, ярим йиллиги ва 9 ой натижалари бўйича ҳисоботлари тасдиқланди ҳамда ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини чақириш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

7. ЎзРВБ Ижроия органи раҳбари (Бош директор Р.Р. Усманов) билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати узайтирилди ҳамда 2024 йил учун бизнес-режа тасдиқланди.

Ҳисобот йилида Кузатув кенгаши қарори билан “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ таъсисчилигида “Миллий клиринг маркази” акциядорлик жамиятининг ташкил этилиши маъқулланди.

“Миллий клиринг маркази” АЖ устав капитали 5 млрд. сўм миқдорида белгиланди ва уни ЎзРВБ ўз маблағларидан шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, “Миллий клиринг маркази” АЖ устав капиталининг миқдори кейинги босқичда 55 млрд. сўмгача етказилиши эълон қилинди. Устав капиталини ЎзРВБнинг кафолат фонди маблағлари ҳамда ЎзРВБнинг асосий воситалари кўринишидаги мол-мулклари, шу жумладан интеллектуал мулклари (ЎзРВБнинг ҳисоб-клиринг ва бошқа дастурий таъминотлари)ни баҳолатган ҳолда устав капиталига киритиш орқали шакллантириш бўйича қарор қилинди.

ЎзРВБ Кузатув Кенгашининг қарори билан “Миллий клиринг маркази” АЖга Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4-уйда жойлашган ЎзРВБ маъмурий биносининг бир қисмини ижарага бериш тўғрисида шартнома имзоланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сон қарорига мувофиқ, 2023 йил 23 октябр куни “Тошкент” Республика фонд биржаси АЖ аъзоларини ЎзРВБ аъзолигига қабул қилишнинг ягона соддалаштирилган тартиби тасдиқланди.

Ҳисобот йилида Кузатув кенгаши “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ЎзРВБ Ижроия органи томонидан қимматли қоғозлар бозорида ахборотни ошкор қилиш тамоилига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширди.

Шу билан бирга, акциядорларга Ижроия органининг чораклик ҳисоботлари, молиявий ҳисоботлар, Кузатув кенгаши мажлислари қарорларидан кўчирмалар ва бошқа маълумотлар мунтазам равишда тақдим этиб келинди. Мазкур ҳисоботлар ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишларини ўтказиш ва ЎзРВБнинг бошқа фаолияти билан боғлиқ муҳим фактлар мунтазам равишда корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилди.

II. “ЎзРВБ” АЖнинг 2019-2023 йилларга мўлжалланган Ривожланиш стратегиясининг амалга оширилиши

Ҳисобот даврида ЎзРВБ фаолиятини янада ривожлантириш, биржа инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Самарали операцион фаолиятни таъминлаш ва бизнес жараёнларни оптималлаштириш мақсадида ЎзРВБда ISO 9001:2015 халқаро стандартига мувофиқ сифат менежменти тизими жорий этилган.

2023 йил феврал ойида “CERT International” томонидан ўтказилган қайта

сертификатлаш аудити якунлари бўйича ЎзРВБда сифат менежменти тизимининг ISO 9001:2015 халқаро стандарти талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи сертификат янгиланди.

Аудитни ўтказган “CERT International” МЧЖ аудиторлари ЎзРВБда сифат менежменти тизими тўлиқ самарали эканлигини ва унинг муваффақиятли фаолиятини таъминлаш ва янада ривожлантириш учун барча шароитлар яратилганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, ЎзРВБ ҳисобот йилида ISO 17442 халқаро стандартига мувофиқ юридик шахсларга бериладиган ва молиявий операцияларни амалга оширувчи юридик шахсларни аниқлаш имконини берувчи маълумотлар асосида яратилган LEI халқаро коди (юридик шахсни идентификациялаш халқаро коди) олинди.

ЎзРВБ томонидан халқаро LEI кодининг олиниши SWIFT (халқаро банклараро маълумот узатиш ва тўловларни амалга ошириш тизими) тизимида рўйхатдан ўтиш ва SWIFT кодини олиш жараёнининг оралиқ босқичи ҳисобланади.

Бундан ташқари, 2023 йилда ЎзРВБ қарз бозори бозорида ДҚҚ илк бор T+2 ҳисоб-китоб режимида жойлаштирилди. Ушбу режим доирасида аукционда сотиб олинган ДҚҚ бўйича якуний ҳисоб-китобларнинг битимлар тузилган кундан кейинги иккинчи савдо кунида амалга оширилиши назарда тутилган.

Шунингдек, мазкур бозорда ДҚҚ бирламчи жойлаштириш бўйича аукционларда маҳаллий дилерлар орқали давлат қимматли қоғозларини сотиб олган Европа тикланиш ва тараққиёт банки, ICBC (Хитой) каби иштирокчилар ҳисобига йирик хорижий инвесторлар қатори кенгайди.

2023 йилда ДҚҚ бозорида илк маркет-мейкерлар ҳам ўз фаолиятини бошлади. ЎзРВБнинг тегишли қарорига мувофиқ бирламчи дилерлар “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Ипак йўли” АИТБ, “Туронбанк” АТБ ва АТ “Халқ банки”га ЎзРВБ иккиламчи бозорида маркет-мейкер мақоми берилди.

Ушбу тижорат банклари 2023 йил 1 февралдан бошлаб маркет-мейкер вазифасини бажаришни бошладилар.

Бундан ташқари, биржа битимлари бўйича ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳисобот йилида ЎзРВБ мутахассислари томонидан “one-click” инновацион дастурий маҳсулот - ДҚҚ билан РЕПО битимлари бўйича тўлов ҳужжатларини шакллантириш ва узатиш жараёнини автоматлаштирувчи ноёб тизим жорий этилди.

Ушбу тизим туфайли ўзаро ҳисоб-китоб жараёнлари анча соддалаштирилди ва битимлар натижаларига кўра қимматли қоғозлар харидорининг маблағлари автоматик равишда унинг ҳисобварағидан ечиб олиниб, бир неча дақиқа ичида қимматли қоғозлар сотувчисининг ҳисоб рақамига тушириб берилади.

Марказий контрагент фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

Таъкидлаш лозимки, валюта ва муддатли бозорларда марказий контрагентнинг бугунги кундаги самарали фаолияти савдо иштирокчиларининг кредит рискларини камайтиришга, биржа операциялари бўйича ҳисоб-китобларнинг тўлиқлигини кафолатлашга, неттинг ва кросс-маржинлаш орқали транзакция харажатларини камайтиришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги “Капитал бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-291-сон қарорига мувофиқ, ЎзРВБ таъсисчилигида “Миллий клиринг маркази” АЖ ташкил этилди.

Бундан ташқари, Миллий клиринг марказининг самарали фаолиятини ташкил этиш, ДҚҚ бўйича депозитар тизимни янада такомиллаштириш, шунингдек, ДҚҚ бозори иштирокчилари ва инвесторлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қуйидаги йўналишлар бўйича ишлар бошланган:

- Марказий банкда “Миллий клиринг маркази” АЖнинг вакиллик ҳисобварағини очиш ва реал вақт режимида ҳисоб-китобларни амалга ошириш (RTGS);

- ЎзРВБнинг барча бозорларида марказий контрагент фаолиятини ташкил этиш, дефолт-менежмент тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш;

- ЎзРВБ депозитар тизимининг ДҚҚни сақлаш, ҳисобга олиш ва улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи дастурий таъминотига хорижий номинал сақловчи, шу жумладан кастодиан функциясини жорий этиш;

- ДҚҚ билан битимлар тузишда қимматли қоғозлар ва пул маблағларини олдиндан депонентлаш талабларини бекор қилиш ва янги ҳисоб-китоб (клиринг) модели доирасида рискларни бошқариш амалиётини жорий этиш;

- бозор маълумотларини ташқи фойдаланувчиларга молиявий маълумот алмашиш протоколи (FIX) ёки стандартлаштирилган API ёрдамида хорижий вендорлар (Bloomberg, Refinitiv, CBonds ва бошқалар) орқали узатиш ҳамда хорижий инвестиция воситачиларидан савдо буюртмаларини ички тизимлар, шу жумладан буюртмаларни бошқариш тизимлари (OMS) орқали қабул қилиш имкониятини яратиш.

Шу билан бирга, “Миллий клиринг маркази” АЖнинг стратегик вазифаларидан бири сифатида барча биржа сегментларида савдо иштирокчиларига хизмат кўрсатишда уларнинг ягона позицияларини (лимитларини) юритишни назарда тутувчи илғор хорижий тажриба ва энг яхши амалиётларга мувофиқ интеграциялашган клиринг хизматларини тақдим этиш деб белгиланди.

Биржа бозорларида тузилган битимларининг ижросини кафолатли таъминлаш мақсадида клиринг қатнашчиларининг мажбурий бадаллари, воситачилик мукофоти ва ЎзРВБнинг ўз маблағлари ҳисобига ЎзРВБ Кафолат жамғармасини янада кенгайтириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, ЎзРВБнинг амалдаги “Settlements” ҳисоб-китоб тизимини “Миллий клиринг маркази” АЖнинг автоматлаштирилган банк тизимига трансформация қилиш, уни Банк депозиторларининг миллий ахборот базаси ва Марказий банкнинг “NARGIS” банклараро тўлов тизими билан интеграция қилиш, Марказий банкда вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда SWIFT тизимига улаш бўйича фаол ишлар олиб борилди.

Шу билан бирга, ЎзРВБнинг “DepoMax” депозитар тизимини модернизация қилиш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар ЎзРВБ ва Марказий депозитарий мижозларининг (омонатчилари) ягона базасини қамраб олиш, шунингдек, ДҚҚ, корпоратив ва бошқа турдаги қимматли қоғозларни қамраб олувчи эмиссиявий қимматли қоғозларнинг ягона маълумотлар базасини юритиш учун технологик имкониятларни яратишга мўлжалланган.

Мазкур чора-тадбирлар доирасида ЎзРВБ депозитар тизимида хорижий номинал сақловчиларнинг ҳисобварақлари, тўғридан-тўғри шахсий ҳисобварақлар ҳамда омнибус ҳисобварақларни очиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, хорижий номинал сақловчиларнинг ДҚҚ билан савдоларда, шу жумладан РЕПО битимларида иштирок этиш имконияти таъминланди.

Бундан ташқари, ЎзРВБнинг Ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш доирасида савдо иштирокчилари учун қўшимча қулайликлар яратиш, биржа бозорларига ликвидликни жалб этиш мақсадида 2023 йил давомида ЎзРВБда бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, **валюта бозорини** янада ривожлантириш бўйича:

валюта бозорида етарлича ликвидликни (евро, Хитой юани, Россия рубли бўйича) шакллантириш ва савдо ҳажмларини ошириш учун тегишли инструментлар бўйича маркет-мейкерлик дастурлари лойиҳалари ишлаб чиқилди;

валюта спот бозорида мавжуд маркет-мейкерлик дастурлари шартлари қайта кўриб чиқилди, ушбу дастурларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳалари ишлаб чиқилди;

KZT/UZS, EUR/USD, EUR/RUB, USD/RUB, USD/KZT, USD/CNY, RUB/CNY, RUB/KZT валюта жуфтликлари иштирокида савдоларни жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда;

RFQ (request for quotation) - котировка (нарх)ни сўраш буюртмаси асосида валюта спот ва своп бозорларида тизимдан ташқари савдоларни ташкил этиш чора – тадбирлари амалга оширилмоқда;

Экспирация муддати 6, 9 ва 12 ойлик валютавий фьючерс шартномаларини жорий этиш мақсадида савдо қоидалари ва спецификацияларига ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ҳисобот йилида мамлакат капитал бозори тизмида муҳим бўғин сифатида **ДҚҚ бозорини** янада ривожлантириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Бозорни янада ривожлантириш, савдо иштирокчиларини фаоллаштириш ва бозор ликвидлигини ошириш мақсадида бирламчи ва иккиламчи дилерлар фаолияти жорий этилди, “Тошкент” РФБ аъзоларини иккала биржа аъзоларини ўзаро тан олиш тамойили асосида ЎзРВБ аъзолигига қабул қилишнинг ягона соддалаштирилган тартиби тасдиқланди.

Суғурта бизнеси, инвестиция ва пенсия жамғармалари ҳамда бошқа йирик корпоратив юридик шахсларни давлат қимматли қоғозлари бозорига жалб этиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида “ЎзРВБ” АЖга аъзолик тўғрисидаги тартиб”га ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, 2023 йил январ-феврал ойларида ДҚҚ бозорини етарлича ликвидлик билан таъминлаш мақсадида 5 нафар бирламчи дилерлар билан ДҚҚ бозорида маркет-мейкерлик фаолиятини амалга ошириш тўғрисида битимлар имзоланди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан ЎзРВБнинг Биржа савдолари бошқармаси таркибида “Фонд бозорида савдолар бўлими” ташкил этилди.

Шунингдек, дилерлар рейтингини шакллантириш ва кейинчалик эълон қилиш механизмини жорий этиш ҳамда уларни ДҚҚ бозорида рағбатлантириш, рейтинг натижаларини кенг жамоатчиликка корпоратив сайт ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар (Facebook, Instagram, Telegram) орқали етказиш мақсадида “ЎзРВБ аъзолари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Банклараро пул бозорини янада ривожлантириш ва ЎзРВБда савдолар ҳажмини ошириш мақсадида қуйидаги йўналишлар бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, жумладан:

RFQ (request for quotation) - котировка (нарх)ни сўраш буюртмаси асосида ҳамда “secure chat”дан фойдаланган ҳолда банклараро пул бозорининг тизимдан ташқари савдоларини узлуксиз аукцион шаклида ташкил этиш;

банклараро пул бозорида чет эл валютасида пул маблағларини жойлаштириш ва жалб қилиш бўйича операцияларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда улар бўйича индикаторларни стандарт муддатлар кесимида эълон қилиш;

марказий контрагент иштирокида тизимли ва тизимдан ташқари своп операцияларини амалга ошириш;

EUR/USD, EUR/RUB, USD/RUB, USD/CNY, USD/KZT ва RUB/KZT валюта жуфтликлари иштирокидаги своп операцияларини амалга ошириш учун имконият яратиш;

своп бозорида маркет-мейкерлик фаолиятини ва маркет-мейкерлик дастурларини жорий этиш;

“netting” ва “gross” усуллари бўйича ҳисоб-китобларни назарда тутувчи РЕПО операциялари бўйича клиринг механизмларини янада такомиллаштириш;

рискларни бошқариш (дефолт-менежмент) самарали тизимини жорий этиш;

Bloomberg L.P. ва Refinitiv платформалари орқали своп операциялари бўйича маркет-датани узатиш.

Деривативлар бозорида ҳисобот йилида:

ликвидлик провайдери фаолиятини жорий этиш;

EUR/USD, CNY/UZS ва бошқа валюта жуфтликлари иштирокида савдоларни ташкил этиш;

биржанинг барча аъзолари (шу жумладан инвестиция воситачилари) учун дериватив инструментлар билан савдоларда қатнашиш имкониятини яратиш;

ДҚҚнинг даромадлилиги, пул бозори фоиз ставкалари, шунингдек бошқа кўрсаткичлар ва биржа индекслари асосида фьючерс шартномалари бўйича савдоларни ташкил этиш каби йўналишлар бўйича ишлар бошланган.

Таъкидлаш жоизки, ЎзРВБнинг 2023 йилги бизнес-режасига мувофиқ жами даромад кўрсаткичи 86 684,50 млрд. сўм миқдорида режалаштирилган. Ҳақиқатда, ҳисобот йили якунлари бўйича ЎзРВБнинг умумий даромади **103 523,69 млрд. сўмни** ташкил этиб, бизнес-режа кўрсаткичларига нисбатан **19,43 фоиз** ёки **16 839,19 млрд. сўмга** ошди.

ЎзРВБ соф фойдаси эса **59,66 млрд. сўмни** ташкил этган бўлиб, 2023 йилги бизнес-режадаги прогноз кўрсаткичга нисбатан **20,36 млрд. сўмга** ошди.

Ҳисобот йилида 2022 йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг бир қисми акциядорлар ўртасида белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмда дивиденд сифатида тақсимланди, бошқа қисми эса ЎзРВБ савдоларида тузилган битимлар бўйича мажбуриятларни бажариш кафолат фондини тўлдириш учун юборилди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, 2024 йилда биржа инструментларини янада диверсификациялаш, биржа бозорларига қатор инвесторларни жалб қилиш чора-тадбирлари доирасида хорижий кастодиан банклар ва инвесторлар билан алоқалар ўрнатиш, уларнинг давлат қимматли қоғозлари бозорида иштирокини таъминлаш ва халқаро стандартларга мувофиқ ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш ишлари давом эттирилади.

Мазкур ишлар қаторида биржа фаолиятининг барча йўналишларини янада автоматлаштириш, савдо-дастурий комплексларни илғор жаҳон амалиётлари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозим.

ЎзРВБ Кузатув кенгаши келгусида ҳам ривожланиш стратегияси ижросини таъминлаш, Корпоратив бошқарувнинг асосий тамойилларига риоя этиш борасида ўз саъий-харакатларини давом эттиради.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Кузатув кенгаши раиси
Б.Ю. Абубакиров